



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 29 июнь, жума

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 124 (10.933)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси ўз иштини бошлади.

● Ўзбекистон Фанлар академиясида «Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ташкил этилганлигига 10 йил тўлиши муносабати билан марказнинг босиб ўтган йўли, фуқаролик жамиятини барпо этишда унинг тутган ўрни ҳақида фикрлар билдирилди.

● Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди «Камолот» ЁИХ, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда «Мамлакат ҳаётидаги янгиланишларда ёшларнинг фаоллигини ошириш ва бунда ОАВнинг ўрни» мавзусида форум ўтказди.

● Термиз Давлат университети юқори курс талабаларидан 100 нафари бунёд этиладиган муҳим объектларда фаолият кўрсатишни бошлади. Жумладан, 25 нафар йигит - қиз ўрин олган дастлабки талабалар отряди Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл магистрალი қурилишида иштирок этаётган бўлса, 25 нафар бўлғуси педагог Сурхондарё вилоятидаги болалар ёғи соғломлаштириш оромгоҳларига тарбиячилар сифатида жўнаб кетди.

● Қўнғирот туманидаги «Жангаталак» ширкатлар бирлашмасида қишлоқ врачлик пункти қад ростлади. «Саломатлик-1» лойиҳаси асосида тумандаги барча 6 та қишлоқ врачлик пунктларининг ҳар бирига 17 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар олиб берилди.

● Кармана шаҳрида бир кеча-кундузда беш тоннагача сутни қайта ишловчи йирик корхона иш бошлади.

● Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Виктор Гого номидаги француз маданият маркази ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган мусиқа байрамининг ташкилотчилари бўлишди.

● Хоразм вилояти касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» танлови ўтказилди. Мазкур танлов вилоят «Камолот» ЁИХ ва вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, фан ва таълим ходимлари касабга уюшмаси томонидан ташкил этилди.

● «Қашқадарё Телеком» филиалида «Ўзбек-телеком» АКА қарашли «Инженер-техник маркази» томонидан «Кабель алоқа линиялари ишончилигини ошириш» мавзусида кўчма ўқув курслари ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси кеча швейцариялик депутат Дик Мартининг АҚШ Марказий разведка бошқармасининг айрим Европа давлатларидаги ноқонуний фаолияти ҳақидаги маърузасини тинглади. Муҳокамалардан сўнг улар АҚШ ҳукумати Европадаги яширин қамқоқоналар махбۇсларига компенсация тўлаши керак, деган қарорга келдилар.

● Европа Иттифоқи Ҳазо секторидagi қочқинлар учун 30 миллион евро миқдоридa инсонпарварлик ёрдами ажратди. Ушбу маблағ БМТнинг Яқин Шарқ бюроси орқали манзилга етказилди. Маълумотларда қайд этилишича, қочқинлар учун жами 67,4 миллион евро миқдоридa инсонпарварлик ёрдами берилди.

● Кеча АҚШ Сенати Президент Жорж Буш томонидан тақдим этилган мухожирлик тўғрисидаги қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

● «Рейтер» ахборот агентлигининг хабарига кўра, Шимолий Корея кеча Камгуон музофотининг жанубидан Япон денгизи томон ўрта массафада ҳаракатланувчи ракета учирган. БМТ делегацияси расмий Пхеньяннинг ядровий дастурини текшириш учун мамлакатга келган пайтда ракета синовининг ўтказилиши ҳам-жамиятда катта ташвиш уйғотди.

● Грецияда бир ҳафтадан буён ҳарорат 40 даражадан пастга тушмапти. Кўчи жазирма натижасида Греция ўрмонларининг 120 жойида ёнғинлар келиб чиқди. Ўрмон ёнғинларига қарши курашга 5 та самолёт ва 2 та махсус жиҳозланган вертолёт жалб этилди. Мамлакатдаги ўрмон ёнғинлари икки кишининг ҳаётига зомин бўлди.

● Кеча Буюк Британия қироллик почтаси ходимлари ойлик маошларини оширишни талаб қилган ҳолда 24 соатлик иш ташладилар.

● Жаҳондаги уяли телефонларни ишлаб чиқарувчи энг йирик компания ҳисобланувчи Nokia ўз тузилмасининг ўзгартирилишини маълум қилди. Ушбу жараёнда Nokia уч қисмга ажратилади. Биринчиси қурилмаларни ишлаб чиқиш билан шғулланса, иккинчиси сервис хизмати кўрсатади, учинчи қисм эса маҳсулотни сотиш ва бозор операцияларини амалга оширади.

● Бразилия полицияси Рио-де-Жанейрода гиёвандфурушларга қарши кенг қамровли операцияларни амалга оширди. Маълумотларга кўра, шаҳарнинг энг хавфли туманларидан саналган Алемоада гиёванд моддалар савдоси билан шғулланувчи йирик гуруҳнинг 12 нафар аъзоси йўқ қилинган.

● Фазогир аёл Сунита Вильямс коинотда энг узок вақт бўлган аёл фазогирлар рекордини янгиледи. НАСА агентлиги матбуот хизмати хабарига кўра С.Вильямс коинотда қарийб 188 кун 4 соат давомида бўлган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 22-Меҳрибонлик уйида «Ёшлар—кељагимиз пойдевори» мавзусида тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бичиш-тикиш бўйича ташкил этилган ўқув курси битирувчиларига дипломлар топширилди.

● **КЕЧА** «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч масканида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб тадбир уюштирилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Тадбиркор аёллар уюшмаси ташаббуси билан уюштирилган анжуман жамият тараққиёти ривожидa тадбиркор аёлларнинг ўрнига бағишланди.

● **РЕСПУБЛИКА** таълим маркази ташаббуси билан таълим тизими ривожидa замонавий технологияларнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган анжуманда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти халқ таълими бўлимлари услубчилари иштирок этишди.

● **МИРЗО** Улғбек туманидаги 207-мактаб қошида ташкил этилган «Камалак» ёзги соғломлаштириш оромгоҳида тарбияланувчилар ўртасида уюштирилган расм чизиш кўрик-танлови «Биз гиёвандликка қаршимиз» деб номланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Давлат тест марказида уюштирилган тадбирда 2007-2008 ўқув йилида мамлакатимиз олий ўқув юртиларида 51 минг 604 нафар талаба тахсил олиши таъкидлаб ўтилди.

● **БУНЁДҚОР** ёшлар телеклубида «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда «Ёзни — «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида таътилни уйларида ўтказиётган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишларига кўмаклашиш ҳақида сўз борди.

● **ТОШКЕНТ** Ислоом университетидa «Марказий Осиёда ислом қадриятлари: бағрикенглик ва гуманизм» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ҲАР БИР ЎҚУВ ЮРТИНИ БИТИРИШ КАТТА ҲАЁТГА ЙЎЛЛАМА ОЛАЁТГАН ЁШЛАРНИ ЧУҚУР ҲИС-ҲАЯЖОНГА СОЛАДИ. ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, ЭГАЛЛАНГАН УШБУ ДАВОН УНИНГ КЕЛГУСИДАГИ ҲАЁТ ЙЎЛИНИ АНИҚ БЕЛГИЛАБ БЕРАДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИДА ҲАМ ШУНДАЙ ҚУВОНЧЛИ ВА ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАРНИНГ ГУВОҲИ БЎЛДИК. БУ ЕРДА 2003 ЙИЛДА КУНДУЗГИ ТАЪЛИМГА ВА 2006 ЙИЛДА ОЛИЙ АКАДЕМИК КУРСЛАРИГА ЎҚИШГА КИРГАН ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ БИТИРУВ ТАНТАНАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Ватанга хизмат—муқаддас бурч

БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 2 сентябрдаги қарори асосида ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19

июндаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларининг фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ИИВ академиясида ички ишлар идораларига мутахассислар тайёрлашни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори асосида академияда ички ишлар идораларига кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислох қилинди. Ислохотлар натижасида ИИВ академияси кундузги таълимида юрист квалификацияси берилган «Тергов фаолияти», «Тезкор кидирув фаолияти», «Жиноятларнинг олдини олиш фаолияти», «Эксперт-криминалистик фаолият» йўналишлари бўйича дипломли мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Академиянинг бу галги битирувчилари ҳам юқоридаги тўртта мутахассислик бўйича тахсил олдилар. Тингловчининг иш ўрганиш амалиёти жараёнида жиноятчиликка қарши курашга йўналтирилган тад-



бирлардаги иштироки, улар томонидан тузилган ҳужжатлар, берилган топшириқларнинг ижросига муносабат, олган назарий билимларини амалиётда қўллаб олиш кўникмалари ички ишлар органларининг ходимлари томонидан ижобий тавсиф-

ланди ва ўз фаолиятига виждонан ёндашган, хизмат вазифасини сикидиддан бажарган 192 нафар тингловчи миннатдорчилик ва ташаккурномалар эълон қилинди, 129 нафар тингловчи Фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Академия кундузги таълим битирувчиларининг 488 нафарига лейтенант дастлабки офицерлик махсус унвони ва юрист квалификацияси, Олий академик курс битирувчиларининг 49 нафарига «Жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат хавфсизлигини сақлашни бошқариш ташкилотчиси» квалификацияси берилганлиги тўғрисидаги дипломлар топширилганда барча йигилганлар, айниқса тингловчиларнинг ота-оналари қалбларида фахр ва гурур туйғулари жўш урди.

Биз ҳам академия битирувчиларига Ватанимиз осойишталиги йўлидаги масъулиятли хизматларида омадлар тилаб қоламиз.

СУРАТЛАРДА: битирув маросимдан лавҳалар.
Козим Ўлмасов олган суратлар

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» АВИАПАРКИ ЯНГИЛАНМОҚДА

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ «ЭРБАС ИНДАСТРИ» ХАЛҚАРО КОНСОРЦИУМИ БИЛАН ОЛТИТА ЎРТА МАГИСТРАЛ А-320-200 САМОЛЁТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА ИМЗОЛАДИ.

Шартномани имзолаш маросимида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК бош директори Валерий Тянь авиакомпания авиопаркини янгилаш ва унификация қилиш йўлидан бораётганини таъкидлади. Бунда Фарбда ишлаб чиқарилган ҳаво кемалари ҳамда мамлакатимизнинг Ил-114-100 лайнерларини сотиб олиш кўзда тутилган. Президент Ислоом Каримов ташаббуси билан мамлакатда Фуқаро авиациясини ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқилди ва режали равишда амалга оширилмоқда.

Ҳозирда авиакомпания хорижий кредитларни жалб

қилиш ҳисобига самолёт паркиннинг катта қисмини янгилаб бўлди. Бунун миллий авиакомпания 16 та замонавий ҳаво кемасига эга. Бу — Американинг Боинг-767-300ER ва Боинг-757-200, Европанин А-310 ва RJ-85 самолётлари д и р .

Улар чет мамлакатларга деярли барча рейсларни ҳамда республика ичидаги рейсларнинг бир қисмини бажармоқда. Ҳозирда уларга «В.П.Чалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси»да ишлаб чиқарилган Ил-114-100 ўрта магистрал самолётлар ҳам қўшилди.

«Эрбас Индастри»да ишлаб чиқарилган биринчи самолёт илк бор «Тошкент» аэропор-

тига 1993 йил 16 июнда кўнган эди. Бу миллий авиакомпаниямиз томонидан фойдаланилаётган биринчи Фарб ҳаво кемаси — А-310 эди. Шу пайтдан бошлаб Ўзбекистон авиаконкомпаниясининг самолётлар

паркинни янгилаш дастури амалга оширила бошланди. Кейинги йиллар давомида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ҳукумат кафолати асосида берилган хорижий кредитлар ҳисобига яна иккита А-310 лайнерини харид қилди. Яқинда ўзининг 15 йиллигини

нишонлаган миллий авиакомпаниямиз ўтган даврда қитъамизнинг етакчи авиаташувчилари каторидан жой олди. Ўзбек ҳаво кемалари дунёнинг 40 дан ортиқ шаҳрига парвозларни амалга оширади. 24 мамлакатда «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг ваколатхоналари очилган, ўнлаб компания ва фирмалар у билан ҳамкорлик қилмоқда. Ҳар кунни ўнлаб рейслар бажарилмоқда, йилга 2 миллионга яқин йўловчи ташилмоқда.

Ўрта магистрал А-320-200 самолётлари бажарилаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни қўйиб, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси батафсил таҳлилдан сўнг икки хил салонли вариантни танлади. Унда 150 нафар йўловчи бизнес ва эконо класс салонларда жойлаштирилади. Салонлар ва учувчилар кабинаси ичини жиҳозлашда бюртмачининг тақлифлари ҳисобга олинди.

Виктор НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири



ОИЛА ТИНЧЛИГИ - ЮРТ БОЙЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЁШ ОИЛАЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚўВАТЛАШГА ДОИР ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида"ГИ ФАРМОННИ ЕШЛАРГА БЕРИЛАЁТГАН ЮКСАК ЭЪТИБОР, КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТИМИЗНИНГ ПОЙДЕВОРИНИ МУСТАХАММЛАШ УЧУН ҚИЛИНАЁТГАН ЭЗГУ АМАЛЛАРДАН ЯНА БИРИ, ДЕСАК МУБОЛАГА БўЛМАЙДИ. ЁШ ОИЛАЛАРГА ИПОТЕКА ВА ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишида уларга амалий ёрдам бериш, мамлакатимизда оила ва унда тарбияланаётган авлод манфаатлари давлат сиёсати даражасида эканлигини далиллади.

Бу ҳужжат ёшларни мунтазам иш ўринларига эга бўлиши, мустақил фаолиятини йўлга қўйиб олиши, ҳаётга дадил кадам билан кириб бориши учун амалий рағбат омилларидан бири эканлиги эътиборлидир. Зеро, оила тинч-тотувлиги юрт фаровонлиги асосидир. Соғлом муҳит ҳужм сурган ҳар бир оила маҳалланинг мамлакат оқибатига ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Фармонда никоҳ муносабатларининг қонуний, ҳуқуқий асосларга таяниши ҳам эътибордан четда қолмаган. Ёш оилани қўллаб-қувватлаш, ҳар бири 30

ёшдан ошмаган, биринчи расмий никоҳдан ўтган шахсларга алоқадорлиги оилага масъуллик, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳнат қилиш ва барқарор даромад манбаига эга бўлишига интилиш тўғрисида шакллантиришда хизмат қилади.

Ушбу Фармонга мувофиқ, барча вилоят, туманларда, маҳаллаларда масъул ходимлар билан учрашувлар ўтказилиб, аҳолига тушунтириш ишлари олиб борилаётти. Шундай учрашувлардан бири Яққасарой туманида "Маҳалла" хайрия жамъармаси, туман "Оила"маркази, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Ипотека банки ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, маънавий-маърифий ишлари бўйича масъул ходимлар ҳамда маҳалла оқсоқоллари қатнашди.

Ушбу тадбир айнан аҳоли орасида юрайдиган масъул шахслар билан ўтказилиши эътиборга лойиқдир. Чунки ёш оилаларни тинч-тотувлиги, оила мустахкамлигини асраб қолишда ҳар биримиз жавобгар шахсмиз, - деди туман "Оила" маркази раиси Раҳима Абдуғаниева.

Сўзга чиққан иштирокчилар ушбу Фармон ҳозирда ёш оилаларнинг турли сабаблар баҳонасида ажралиб кетишининг олдини олишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтишди. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан масъул ходимларга мурожаат этишди. Саволларга туман Ипотека банк ходими Тожибой Якубов жавоб берар экан, имтиёзли кредитларнинг

афзалликлари ва қўлайликлари хусусида батафсил маълумот берди.

— Ипотека банк акциядорлик тижорат банки томонидан Президентимиз Фармонида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилиши бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган. Ипотека нима? У кўчмас мулкни гаровга олиш эвазига бериладиган қарз, демакдир. Маълумки, аҳоли сони ўсгани сайин унинг уй-жойга ва бу муаммони ҳал этишга қўмақлашувчи ипотека кредитига эҳтиёжи ҳам ошиб бораверади. Бу кредитлар аҳолининг уй-жой муаммосини ҳал этишдан ташқари, хизмат кўрсатиш, жумладан, қурилиш материаллари, ишлаб чиқариш соҳасининг, қурилиш хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг, иккиламчи уй-жой бозорининг ривожланишига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатади. Ипотека кредитининг афзаллик томонларидан яна бири шундаки, қурилатган ёки таъмирланаётган, сотиб олинган уйда яшаб туриб, қарзини узоқ йиллар давомида тўлайди. Шу жиҳатдан кредитнинг бу қўлай тури уй қуриш ёки сотиб олиш учун маблағ етмаган ёш оила учун катта аҳамиятга эгадир. Ҳозир бизга мурожаат қилаётган ёш оилаларнинг олитасига имтиёзли кредитлар ажратилди. Банкнинг ўзида ҳам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, жамиятимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар мамлакат рақибни, юксалиши йўлидаги собит қадамдир. Бундай эътибор оила мустахкамлиги, юрт фаровонлиги ва оқибатини таъминлашга хизмат қилади.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
"Туркистон-пресс"

Ёшлар—келажагимиз

ФАРЗАНДАРИ СОҒЛОМ ЮРТ — ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОДНИНГ СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА ВА ШУ МАҚСАДГА ЙўНАЛТИРИЛГАН ҚўЛЛАБ ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА КЕЛИНАЙТИ.

Жумладан куни кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИХ, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда мазкур боғ жамоаси ҳамкорлигида Халқаро гивандликка қарши кураш куни муносабати билан уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Фарзандлари соғлом юрт-қудратли бўлур» деб номланди. Тадбирда мактаб ва коллеж ўқувчилари иштирок этишди. Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минқоржиддин Мирзо, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси Аҳром Алимов, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Омонулло Ризаевлар тадбирда сўзга чиқиб, ёшларни оғоҳликка, ҳушёрликка қачқариб, табиатига, орзу-умидларига, покиза ниъатларига доғ тушмаган азиз фарзандларини, мамлакатимизнинг гулгунчаларини ёмон ҳуллардан ва иллатлардан, аср вабосига айланган гивандлик ба-

лосидан асраш, уларни жисмонан бақувват ва соғлом қилиб тарбиялаш барчамизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлашди. Шунингдек, ёшларга гивандликнинг зарарли оқибатлари ҳақида гапириб, уларни ватанпарварликка, тўғриликка ва ҳалолликка қачқирдилар. Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Жуманой Жабборов ўзининг ёшларга бағишланган шеърларидан ўқиб берди. Аббор Ҳидоятон номидаги Ўзбек Давлат драма театри актёрлари—Ўзбекистон халқ артисти Элёр Носиров ва актёр Б.Мирмақсудов ижросида «Қайтар дунё» спектаклидан сўзга кўриниши намойиш этилди. Шунингдек, шаҳар наркологида даволаш марказининг нарколог-шифокори Муборак Аҳмедова сўзга чиқиб гивандлик, унинг зарарли оқибатлари ва олдини олиш чоралари ҳақида ёшларга батафсил маълумот берди. Саидьяло Тўхтаев

раҳбарлигидаги ёш қаратқичлар гуруҳининг чиқишлари ҳамда хонанда Каюмжон Усмонов ижросидаги қувнок куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача файз киритди.

— Ёшлар — келажагимиз, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва соғлом қилиб, истиқлол юзларига, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида мана шундай тадбирларни мунтазам ўтказиб келишимиз, — деди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Мавлуда Комилова. — Бундай кечаларда болалар

катта қизиқиш билан иштирок этишди. Зеро бу каби тадбирларимиз албатта ёшларни турли хил ёмон иллатлардан асраб, билимли, ҳунарли, қомил инсон бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлайман. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Фарзандлари соғлом юрт—қудратли бўлур». Фарзандларимиз соғлом бўлса, оиламизда ҳам, юртимизда ҳам тинчлик-тотувлик барқарор бўлади, бахт-иқболга, истиқболга эришамиз.

Диплом ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар
Алексей Попов олган суратлар



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЯПОНИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА «ВАТАУЧИ - ЎЗБЕКИСТОН» ДЎСТИК БАЙРАМИ БЎЛИБ ҲАМНАВОН

ЭЛЧИХОНАДА ДЎСТИК БАЙРАМИ

Самарқанднинг юбилейи арафасида ушбу кўча шаҳар тақдироти, мамлакатимиз ҳақида хикоя қилувчи ҳужжатли фильм, шунингдек, Ўзбекистон тарихи ва маданияти билимлари викторинаси байрам иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ватаучи мактаби мамлакатимиз билан 1998 йилда, яъни Нағанода Қишки олимпиада йўналиши ўтаётган кезларда мазкур мактаб Ўзбекистон тарма жамоасини қабул қилган пайтидаёқ дўстлашган эди.

Эътиборга сазовор жиҳати шундаки, ушбу мактабда Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданияти билан япон ёшларини яқиндан таништириш, халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик алоқаларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қўмақлашувчи юзасидан фаол иш олиб борилмоқда.

Мамлакатимизнинг Токиодаги дипломатия ваколатхонасида ўтказилган бу галги «Ватаучи — Ўзбекистон» дўстлик байрамида Ватаучи мактабининг етмиш нафардан ортиқ ўқувчи ва ўқувчилари ҳозир бўлишди.

Тадбир давомида Самарқанднинг 2750 йиллик тўйига бағишланган «Самарқанд — Ўзбекистон ганжинаси» фильми намойиш этилди. Япония соёқ Бош вазири Дзюнобитиро Коидзумининг ўтган йил ёзида Самарқанд шаҳрини зиёрат қилишига бағишланган фотоальбом ва фильмлар намойиши йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, ўқувчилар мамлакатимиз халқ амалий санъати кўргазмаси билан ҳам танишдилар. Улар элчиҳонамиз томонидан тайёрланган сўзлашув қўлланмаси ёрдамида ўзлари ўрганган ўзбек тилидаги билимларини намойиш этишди. Япония тилшуносларининг фикр билдиришларича, япон тилининг корейс тилига ўхшаш жиҳатлари кўп. Айни пайтда бу ҳар икки тил монгол, турк ва тунгус-манчжур тилларини ўз ичига олувчи урал-олтой тиллари оиласига мансубдир.

— Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади, — деди Ватаучи мактабининг директори Казухей Шимадзу «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсида. — Кўз қорачигидек авайлаб-асраб ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган дўстона алоқаларимиз ҳаминша халқларимиз ўртасидаги ўзаро бирдамлик ва қўллаб-қувватлашнинг мустахкамланишига қўмақлашиб келган. Ўсиб келаётган ёш авлодини япон ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ҳамда мустахкамлаш гоёларига ишонч ва садоқат руҳида тарбиялашни мактабимиз маъмурияти ўз бурчи, деб билади.

«Жаҳон» АА Токио

ЎЗБЕКИСТОН ВА АФҒОНИСТОН:

МУШТАРАК ТАРИХ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК Йўли

Афғонистон Ислом Республикаси энергетика ва сув ресурслари вазири Муҳаммад Исмоилхон бошчилигидаги ушбу мамлакат делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди. Афғонистонлик меҳмон Тошкентдаги «Ҳазрати Имом» мажмуаси зиёрати чоғида «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбатда «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясида бўлиб ўтган музокараларнинг асосий натижалари ва мамлакатимиз бўйлаб сафари таассуротларини ўртоқлашди.

— Исмоилхон жаноблари, Ўзбекистонга ташрифининг асосий натижаларини қандай баҳолайсиз? Сизнингча, мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий, жумладан, электроэнергетика соҳасидаги ҳамкорлиги истиқболлари қандай? — Икки қўшни дўст давлатлар сифатида биз барча йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий соҳада ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришимиз зарурдир. Ўзбекистонга ташрифини режалаштираётганимиз чоғида унинг муваффақиятли ўтишига умид қилган эдик.

Биз Афғонистон эҳтиёжлари учун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясини сотиб олиш ҳақидаги таклиф нафақат иқтисодий жиҳатдан ўзаро манфаатли бўлади, балки икки томонлама муносабатларни ҳар томонлама мустахкам-

лашга имкон беради, деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги пайтда томонлар ўртасида Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш ҳажмини ошириш юзасидан келишувга эришиш мақсадида катта ишлар олиб борилмоқда. 2006 йил охирида томонлар ўртасида мазкур масала бўйича тегишли англашув меморандуми имзоланган эди.

Афғонистонда бу йўналишда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, мамлакат пойтахти Кобулдан Ўзбекистон чегарасидаги Хайратон шаҳригача 420 километрлик электр узатиш тармоғи қурилиши олиб бориляпти. Айни пайтга қадар ушбу лойиҳа ишларининг 65 фоизи бажариб бўлинди. Афғонистоннинг бешта вилояти бўйлаб ўтаётган мазкур электр узатиш тармоғини Ўзбекистон электр энергияси тизими билан боғлаш мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Шоисматов ва «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси раиси Б.Тешабоев билан ушбу масала юзасида олиб борилган музокаралар жуда самарали ва муваффақиятли кечди. Ушбу музокараларда Афғонистон томони мазкур тармоқ қурилиши 2008 йилнинг октябрий ойида аяқланишини таъкидлади.

Ҳозирги пайтда тегишли ҳужжатлар устида иш олиб бораётган қўшма эксперт гуруҳини тузиш тўғрисида кели-

лишувга эришилди.

— Сиз Ўзбекистонга савдо-иқтисодий соҳада Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдингиз. Биласизки, Ташлик, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинди. Шунингдек, сиз Термиз шаҳрида ҳам бўлдингиз. Вазир жаноблари, Ўзбекистондаги зиёратларингиз таассуротлари қандай? Ўзбекистон ва Хиротининг ўрта асрлардаги (Темурийлар даври) ёдгорликлари меъморий услубида қандай уйғунликлари кўрасиз?

— Биз Афғонистонга энг ёрқин ва унутилмас таассуротлар билан қайтмоқдамиз. Аввало, Ўзбекистон ва бутун жаҳон мусулмонларини 2007 йилда Тошкентни ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши билан табриқлашни истар эдик.

Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида бўлар эканман, халқининг самимияти ва меҳмондўстлигини кўриб ўзимни хорлиққа, деб ҳис этмадим. Ўзбекистон заминидан биринчи қадам қўйган шаҳримиз Термиз бўлди. Биз бу шаҳардаги замонавий қурилишлар ва диққатга сазовор жойларни кўздан кечирдик. Ислом дунёсида мутафаккир олим сифатида ном қозонган Ҳаким ат-Термизий макбараси зирати бизда алоҳида таассу-

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

КУТИЛМАГАН ВОҚЕА!!!

17 июндан бошлаб Тошкентда илк бор ЖАҲОН ЦИРКИНИНГ ЮЛДУЗЛАРИ ҲИНДИСТОН ФИЛЛАРИ, ҲАҚИЛАНГАН ҲАЙВОНЛАРИНИНГ КАТТА ГУРУҲИ, АФРИКАНИНГ ҚОРА ТАНЛИ АКРОБАТЛАРИ, ПОЛЬША, РУМИНИЯ ВА МДҲ ДАВЛАТЛАРИ ПОЙТАХТЛАРИ ЦИРКЛАРИНИНГ АРТИСТЛАРИ УЛКАН ХАЛҚАРО ДАСТУР!!! ШОШИЛИНГ! КўНГІРОҚ ҚИЛИНГ! КЕЛИНГ!

Томошалар иш кунлари соат — 18.00 да; дам олиш кунлари — соат 12.00, 16.00 да бошланади

Чипталар цирк кассаларида соат 9.00 дан 18 гача ва тарқатувчилар томонидан сотилади

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-32-23, 144-35-94.

«Ta' mirservisaudit» масъулияти чекланган жамияти аудиторлик маркази, (ИНН: 202601542) тугатилди. Даъво-лар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ойгача қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-а уй.

Квартирани суткалик (бир кеча-кундуз) усуда ижарага бераман. 157-62-48, 332-64-65

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг етакчи маслаҳатчиси Светлана Жайлобова Журевага онаси

Солия ШЕРМАТОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Оз-Оз ўтганда Домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ҲИКМАТЛАР

Хуш ҳаёл билан семиргайдир киши.

Одамий хушдир эшитмоқлик била, Мол эса бир нарса ютмоқлик била.

Инсон бир гурурга мубталодир.

Истаса, қолмас ёмонлик белгиси, Қуфри бедодин-да йимон бергуси.

Бул қирилмиш, деб садафга боқма хор, Бағрида балки мунаввар инжу бор.

Бул жаҳон дом эрса, дондир орзу, Қоч ўшал домдин, ёмондир орзу.

Сен қазони бир баҳона айлабон, Бошқага ортма гуноҳинг, эй фалон.

Ранжу дардинга сабабдир қилмишинг, Жоиз эрмас қисматингдин нолишинг.

Эйки, зарбоф тўн киярсан қатма-қат, Бир кафан бўлғай либосинг оқибат.

Кундузингни беҳуда этма хароб.

Тавба тулпори ажаб тулпор эрур, Лаҳзада авжи фалакка юксалур.

Кечди умрим ярми манманлик била, Яرمىси дард бирла, душманлик била.

Чора топ, манзилга элтсин ул сени, Элтса офатга, тамаъ деб бил ани.

Ўғридир, бир фитна сийратдир тамаъ, Ҳар нафас бир ўзга сувратдир тамаъ.

Етса ранж, сабр айла, олма дилга сен, Манфаат ёғдир булутдек элга сен.

Халқни ўйлаб, халққа бергум деб мадад, Ёв ила майдонга тушгай шери мард.

Дўст бўл, топ дўсту ёринг беадад, Йўқса, қолгайсен жаҳонда беадад.

Кўзичоққим, ул сурувдин айрилур, Оқибат қашқирга учраб, ем бўлур.

Ул нечук йўлдошки, ул макр айлағай, Кўз тикиб молинга, фурсат пойлағай.

Дин йўли хавфу хатардир дам-бадам, Ҳар муҳаннас ҳам анга қўймас қадам.

Бир киши гар йўлда хуш, хандон эрур, Хушлиги дўстлар-ла юз чандон эрур.

Гар эшак қарвондин айру юргуси, Йўл анга юз қарра оғир келгуси.

Гар суянчиқ бўлмаса деворлар, Типпа-тик тургайму уй, омборлар.

Изласа топгай, яна нетгай киши, Сабр этолса, орзуга етгай киши.

Сайр этар юзни бекитмай офтоб, Чехрасига шуъласи эрмиш никоб.

Жим туриш ҳам ўзга маъно тартадир, Манъ этилса, унга майлинг ортадир.

Ақлу хуш гарқ бўлса сувга мисли тош, Ўзни кўргайсен фалак узра қуёш.

Ўзлингдин айлағай огоҳ ўлим.

Борму бир савдоки, бозор бўлмаса? Қайда бозор ул, харидор бўлмаса?

Не саройлар борки, гавжум ҳар маҳал, Оқибатбинларга бўм-бўшдир тугал.

Чун қазо амрига чимрилгай киши, Қулга бўлғай, масҳара бўлғай киши.

Кўрмасанг сувнинг тошиб-қайношини, Кўр у айланган тегирмон тошини.

Бошинг узра айланур гардун ҳама, Эй кўнгил, бас, сен-да ором истам.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Кулиги дустлар, умрингиз узок бўлади.

Юсуфжон қизик Шакаржонов.

Уста Шокирнинг ўғли Бутавой лўттибоз бола чиқди. Қилиқлари совуқ, ўзига ярашмайди. Маскарабозлик қилади, ҳеч ким кулмайди, қўшиғини бир эшитган кулонига пахта тикиб олади.

кетидан қолмасан бир жойдан чиқасан. Бир ошнамга айтдим, сени ҳадемай институтга жойлаштириб қўяди...

Балиқ ҳужжатини санъат институтига топширди. У имтихонлардан бир амаллаб ўтиб кетарман, деб ўйлаган эди. Чувварани хом санаган экан...

—Майнабозчилик қилманг,—

БАЛИҚНИНГ ДЕБЮТИ
Ҳажвия

деди махоратдан имтихон олаётган домла. Сиз бизга дарёга чўкаётган одамнинг ҳолатини кўрсатиб беринг.

—Ие! Гапираласану балиқман дейсан-а.

—Мен гапирадиган балиқман. Домла ҳайрон бўлиб унга тикилиб қолди.

—Нега ҳайрон бўлиб қолдингиз домла? Пушкиннинг эртагидаги олтин балиқ ҳам гапирадикун. Гапимга ишонмасангиз маҳалла оқсоли берган мана бу «Мальмунотнома»ни ўқиб кўринг,—деди қўлидаги қоғозни домлага узатиб.

Домла ҳужжатни олиб, овоз чиқариб ўқий бошлади: «Берилган ушбу «Мальмунотнома» шул ҳақидаким, Уста Шокирнинг ўғли Бутавойнинг кўриниши одам. Лекин ҳули, қилиқлари балиқнинг ўзи. Ҳар қандай эгич одамга ҳам чап бериб кетади».

Домла нима қилай деган маънода ҳайрат аъзоларига қаради. —Ҳужжатга думалоқ муҳр боғиланми?—деб савол берди дом-

лалардан бири.

—Босилган-босилган, — дея жавоб қиларди имтихон олаётган домла.

—Босилган бўлса бўлди... Шу ҳужжатни асос қилиб оламиз. Ҳар эҳтимолга қарши яна битта ёрдамчи савол беринг.

—Булмас гап бундай, Балиқвой,—деди домла бўш пиёлани имтихон топширувчига узатиб.—Шунда лиммо-лим сув бор, деб фарз қил ва бир қатрасини ҳам оқизмай-томизмай ичиб бер. Ҳаракатларинг табиий чиқсин, томошабинлар ишонсин.

—Домла балиқ сув ичмайди,—деди Балиқ.

—Хона қаҳқаҳадан ларзага келди.

—Келинлар, шунга уч (қоникарли) жойиб берайлик,—деди домлардан бири. Росмана одам

ролини топширди...

...Спектакль бошланди. Балиқнинг қалбини қаттиқ ҳаяжон, ҳадик қуршаб олди. Баланд хашаматли тахтада ўтирган даргазаб, савлатли шаҳаншоҳни кўриб, тилига сўз келмай ҳода ютгандай қажқайиб қолди. Асарда тасвирланишича элчи шох ҳузурига кириши билан унга юкунини, тиз чўкиб шохна либосининг барини илхос билан ўлиб, кўзларига суртиши керак эди. Шундан кейин шох элчига чап ёнидан жой кўрсатиб, унга қарам ҳўкморнинг сўхат-саломатлигини сўраши лозим эди. Спектаклдаги воқеалар ривожини шуни талаб қиларди.

Ундай бўлмади. Саҳнада ҳаракат тўхтаб қолди. Балиқ ўзини ҳам, шерикларини ҳам оғир, ноқулай аҳволга солиб қўйди. Томира-ши-вирлари, пикир-пикир кулгилари эшитила бошлади. Шох ролини ўйнаётган актёрнинг қони қайнаб кетди.

—Сендан бошқа элчи қуриб кетган эдим, — деб ҳайқирди у.—Йўқотинг! Бу ландавурни...

...«Элчи» ҳушидан кетиб, шохнинг оёғига йиқилди. Ундан кейин саҳнага чиқиб керак бўлган персонажлар ҳам нима қилишларини билмай тилиқчилаб қолдилар. Парда ёпилди. Спектакль барбод бўлди.

—Кимдир сув, сув! Буни сувга ташланглар! Ҳўзига келадил, тирилди,—деди шохиб.

—Бунки қўлмакка ташланг! Бунинг жойи қўлмак,—деди шох бўлиб чиққан катта санъаткор.

Бу гапни эшитиб, биров шақиллаб қулди, биров пиқиллаб қулди. Шораҳим шилқим эса зўр бериб жиянини елпир эди.

—Дебют-капут,—деди ўртақаш режиссёр беҳўш ётган Балиқнинг аҳволига ачинаиб.

...Орадан уч-тўрт ой ўтгандан кейин бир гап эшитдим. Тавба! Балиқ томошабинлар назаридан қолган бир театр режиссёр бўлиб жойлашиб олган эмиш. Энди у ерда қандай ҳунар кўрсатар экан?

Туроб АКБАРҲУЖАЕВ



ДУШАНБА, 2

«Ўзбекистон»

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ташлинома»
8.50 «Уч бекалоқ» Б/ф. «Кундуз амакининг кўксалари» М/с
10.30 Д. Зокоров номидagi халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.50 «Самарқанд - 2750»
11.00, 11.10, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот»
11.15 «Тошкент гуллари»
11.25 «Одамни эрланг»
11.45, 12.50, 1.40 «Парвона». Спектакль
13.45 Вилотяв навалари.
14.20 «Кусто командасининг сувости саргуашлилари»
15.10 «Ҳаёт манзаралари»
15.20 «Ватанпарвар»
16.20 «Оила - жамият таянчи»
16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар»
17.15, 1.35 Олтин мерос.
17.25 «Истикбон сари йўл»
17.45 «Воқеа»
18.05 «Оханлар оғушида»
18.15 «Умр дафтари»
18.40 «Ошин» Т/с
19.10 «Сизнинг адвокатингиз»
19.15 «Юртим кишилари»
20.05 «ТВ шифокор»
20.10 «Уч бека» Т/с
21.40 «Шарқ тароналари»
22.00 «Мухаббат гўшаси» Т/с
23.00 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.10 «Икки тақдир» Т/с
23.55 Тунги навалар
00.15 «Рангин дунё»
00.35 «Истеъдода»
3.35 «Шарқ тароналари»
4.35 «Юртим буйлаб» дастури: «Чанқовуз»
4.55 «Марғилон - 2000»
5.00 «Минг бир ривоят»
5.05 «Юсуф ва Зулайхо»
5.35 Тонгги навалар

«Ёшлар»

- 16.00, 19.00, 22.00 «Давр»
16.15 «Бу байрам - барчамизники!»
16.20 «Давр мавзуси»
16.35 «Самарқанд - 2750 ёшда!»
16.40 «Яшанба нушутаси»
17.00 «Joutai»
17.20 «Нафосат олами»
17.30 «Мўъжизавий дунё» - Сериал
18.20 «Кино-SMS»
18.25, 20.10 «UzEX хабарлари»
18.35 «Ҳазил мулки»
18.55, 21.55 «Иқлим»
19.30 «Мухаббат ва эхтирос» - Сериал
20.15 Иккимой химоя йиллига: «Матонат»
20.30 «ТВ-банк»
20.50 «Зерда» - Сериал
21.35 «Ёшлик навалари»
22.30 «SMS-музыка»
22.50 «Пуаро» - Сериал

«Тошкент»

- 17.55 М/ф «Шумтақалар»
18.05, 21.50 «Телекурёр-маркет»
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт»
18.50 «Гавдалупе» Т/с
19.30 Музыка SMS
19.50 «Будьте здоровы» - «Пойтахт»
20.15, 21.45 «ТВ юрист»
20.20 Мир животных: «Как стать тигром»
20.50 «Интервью»
21.00 «Аёл қалби»
22.45 «Кино SMS со звездами»
22.50 Кино «Кинг Конг»

«Спорт»

- 18.00 «Детский спорт»
18.20 «Музыкальный тайм»
18.30, 21.30 «Хабарлар»
18.50 «Тет-а-тет»
19.00 Дневник первенства Азии по шахматам
19.10 «Жди меня»
20.00 «Чужие тайны» - Сериал
20.50 «Футбольное обозрение»
21.10 «Универсиада - 2007». Итоги
21.50 «Счастье по рецепту» Х/ф
23.35 ПрофРИНГ

«Первый канал»

- 4.00, 8.05 «Доброе утро»
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.30 Новости
8.35 «Малахов+»
9.30 «Контрольная закупка»
10.00, 11.15 «Агент национальной безопасности» - Сериал
12.25 «Детективы»
13.25 «Фазенда»
14.15 «Понять. Простить»
14.50 «Лопита. Без комплексов»
15.50 «Федеральный судья»
17.15 «Жди меня»
18.05 «Татьянин день» - Сериал
18.55 «Две судьбы» - Сериал
20.00, 2.00 Время
20.30 «Девять жизней Нестора Махно» - Сериал
21.30 «Ярмарка фальшивок»
22.45 «На ночь глядя»
23.35 «Доброй ночи»
00.45 «Гении и злодеи»
1.20, 2.30 Комедия «Старая закалка»
2.50 «Битва за галактику» - Сериал

«Россия»

- 4.00 «Доброе утро, Россия!»
7.00 Т/с «Государственная граница»
9.45, 3.40 Вести. Дежурная часть
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести
10.30, 13.20, 16.20, 19.45 Местное время. Вести-Москва
10.50 Т/с «Старые дела»
11.50 Т/с «Закон»
13.40 «Том и Джерри. Детские годы» М/с
14.05 Т/с «Марш Турецкого»
16.40 «Танго втроем» Т/с
17.40 «Ангел-хранитель» Т/с
18.40 «Кулагин и партнеры. Лучшие дела»
20.05 «Спокойной ночи, малыши!»
21.15 Сериал «Тайная стража»
22.05 «Мой серебряный шар. Ирина Мурзаева»
23.10 «Вести+»
23.30 Т/с «Угон»
00.30 «Дорожный патруль»
00.45 Фильм «Райз»
2.10 Канал «Евроноос»

«НТВ»

- 5.00 «Сегодня утром»
7.10 «Следствие вели...»
8.05 Сериал «Воскресенье в женской бане»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.45 «Сегодня»
9.25 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю»
10.00 «Кулиарный поединок»
11.00 «Квартирный вопрос»
12.30 Сериал «Кодекс чести - 2»
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайные происшествия»
15.30, 00.40 Сериал «Возвращение Мухоморова»

«Спорт»

- 7.00 «Бодрое утро»
8.00, 10.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар»
8.20 Мультифильм
8.35 «Малахов+»
9.30 «Детективы»
10.20 «Мониторинг»
10.40 Репортажи бой
11.10 Автоспорт
11.30 Тенис. Турнира Уимблдона
18.00 «Детский спорт»

«СТС»

- 7.00 «Семейка Тофу» М/ф
7.45 «Чемпион» М/ф
7.55, 15.00 «Смешарики» М/ф
8.00 Комедия «Чудеса науки»
8.30, 10.30, 18.00 Комедия «Моя прекрасная няня»
9.00, 21.00 «Дочки-матери» - Сериал
10.00, 20.30, 1.00 Истории в деталях
11.00, 22.00 Комедия «Сваха»
11.30, 22.00 Комедия «Вся такая внезапная»
12.00 Комедия «Дедушка моей мечты»
13.00, 00.15 «Безмолвный свидетель» - Детектив
13.30 «Дорогая Маша Березина» - Сериал
14.30 «Вокруг света за 80 дней» - М/ф
15.05 «Соник Икс» - М/ф
15.30 «Пинокио» - М/ф
16.00 «Шаман Кинг» - М/ф
16.30 «Шоу Тома и Джерри» - М/ф
17.00 Комедия «Лиззи Магуайр»
17.30 «Галилео»
19.00 Комедия «Кто в доме хозяйин?»
22.30 Кино «Тариф на любовь»
00.45 «6 кадров»
1.30 «Загадочные места»
2.25 Комедия «Нерядказуемая Сьюзан»
3.15 Музыка на СТС

«ТВ-3»

- 7.00 Победоносный голос.
7.30 Российские мультифильмы.
10.00 Х/ф «Джонни Цунами»
12.00 Х/ф «Когда деревья были большими»
00.45 «6 кадров»
1.30 «Загадочные места»
2.25 Комедия «Нерядказуемая Сьюзан»
3.15 Музыка на СТС

«ТВ-3»

- 7.00 Победоносный голос.
7.30 Российские мультифильмы.
10.00 Х/ф «Джонни Цунами»
12.00 Х/ф «Когда деревья были большими»
00.45 «6 кадров»
1.30 «Загадочные места»
2.25 Комедия «Нерядказуемая Сьюзан»
3.15 Музыка на СТС

СЕШАНБА, 3

«Ўзбекистон»

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ташлинома»
8.50 «Уч бекалоқ» Б/ф. «Кундуз амакининг кўксалари» М/с
10.30 Д. Зокоров номидagi халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.50 «Самарқанд - 2750»
11.00, 11.10, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот»
11.15 «Тошкент гуллари»
11.25 «Одамни эрланг»
11.45, 12.50, 1.40 «Парвона». Спектакль
13.45 Вилотяв навалари.
14.20 «Кусто командасининг сувости саргуашлилари»
15.10 «Ҳаёт манзаралари»
15.20 «Ватанпарвар»
16.20 «Оила - жамият таянчи»
16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар»
17.15, 1.35 Олтин мерос.
17.25 «Истикбон сари йўл»
17.45 «Воқеа»
18.05 «Оханлар оғушида»
18.15 «Умр дафтари»
18.40 «Ошин» Т/с
19.10 «Сизнинг адвокатингиз»
19.15 «Юртим кишилари»
20.05 «ТВ шифокор»
20.10 «Уч бека» Т/с
21.40 «Шарқ тароналари»
22.00 «Мухаббат гўшаси» Т/с
23.00 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.10 «Икки тақдир» Т/с
23.55 Тунги навалар
00.15 «Рангин дунё»
00.35 «Истеъдода»
3.35 «Шарқ тароналари»
4.35 «Юртим буйлаб» дастури: «Чанқовуз»
4.55 «Марғилон - 2000»
5.00 «Минг бир ривоят»
5.05 «Юсуф ва Зулайхо»
5.35 Тонгги навалар

«Ёшлар»

- 16.00, 19.00, 22.00 «Давр»
16.15 «Бу байрам - барчамизники!»
16.20 «Давр мавзуси»
16.35 «Самарқанд - 2750 ёшда!»
16.40 «Яшанба нушутаси»
17.00 «Joutai»
17.20 «Нафосат олами»
17.30 «Мўъжизавий дунё» - Сериал
18.20 «Кино-SMS»
18.25, 20.10 «UzEX хабарлари»
18.35 «Ҳазил мулки»
18.55, 21.55 «Иқлим»
19.30 «Мухаббат ва эхтирос» - Сериал
20.15 Иккимой химоя йиллига: «Матонат»
20.30 «ТВ-банк»
20.50 «Зерда» - Сериал
21.35 «Ёшлик навалари»
22.30 «SMS-музыка»
22.50 «Пуаро» - Сериал

«Тошкент»

- 17.55 М/ф «Шумтақалар»
18.05, 21.50 «Телекурёр-маркет»
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт»
18.50 «Гавдалупе» Т/с
19.30 Музыка SMS
19.50 «Будьте здоровы» - «Пойтахт»
20.15, 21.45 «ТВ юрист»
20.20 Мир животных: «Как стать тигром»
20.50 «Интервью»
21.00 «Аёл қалби»
22.45 «Кино SMS со звездами»
22.50 Кино «Кинг Конг»

«Спорт»

- 18.00 «Детский спорт»
18.20 «Музыкальный тайм»
18.30, 21.30 «Хабарлар»
18.50 «Тет-а-тет»
19.00 Дневник первенства Азии по шахматам
19.10 «Жди меня»
20.00 «Чужие тайны» - Сериал
20.50 «Футбольное обозрение»
21.10 «Универсиада - 2007». Итоги
21.50 «Счастье по рецепту» Х/ф
23.35 ПрофРИНГ

«Первый канал»

- 4.00, 8.05 «Доброе утро»
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.30 Новости
8.35 «Малахов+»
9.30 «Контрольная закупка»
10.00 «Агент национальной безопасности» - Сериал
11.15, 20.30 «Девять жизней Нестора Махно» - Сериал
12.25 «Детективы»
13.25 «Фазенда»
14.15 «Понять. Простить»
14.50 «Лопита. Без комплексов»
15.50 «Федеральный судья»
17.15 «Пусть говорят»
18.00 «Татьянин день» - Сериал
18.55 «Две судьбы» - Сериал
20.00, 2.00 Время
21.30 «Светская тусовка. Жизнь напоказ»
22.45 «На ночь глядя»
23.35 «Доброй ночи»
00.10, 2.30 Фильм «Гориллы в тумане»
00.55 «Судья назолю»

«Россия»

- 4.00 «Доброе утро, Россия!»
7.00 Т/с «Государственная граница»
9.45, 3.40 Вести. Дежурная часть
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести
10.30, 13.20, 16.20, 19.45 Местное время. Вести-Москва
10.50 Т/с «Старые дела»
11.50 Т/с «Закон»
13.40 «Том и Джерри. Детские годы» М/с
14.05 «Танго втроем» Т/с
17.40 «Ангел-хранитель» Т/с
18.40 «Кулагин и партнеры. Лучшие дела»
20.05 «Спокойной ночи, малыши!»
22.10 «Александр Суворов»
23.10 «Вести+»
23.30 Комедия «Дневник карьеристки»
24.50 «Кино-SMS»
2.10 «Дорожный патруль»
2.20 Т/с «Богини и генералы»
3.05 Канал «Евроноос»

«НТВ»

- 5.00 «Сегодня утром»
7.10 «Следствие вели...»
8.05 Сериал «Воскресенье в женской бане»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.45 «Сегодня»
9.25 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю»
10.00 «Кулиарный поединок»
11.00 «Квартирный вопрос»
12.30 Сериал «Кодекс чести - 2»
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайные происшествия»
15.30, 00.40 Сериал «Возвращение Мухоморова»

«Спорт»

- 7.00 «Бодрое утро»
8.00, 10.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар»
8.20 Мультифильм
8.35 «Малахов+»
9.30 «Детективы»
10.20 «Мониторинг»
10.40 Репортажи бой
11.10 Автоспорт
11.30 Тенис. Турнира Уимблдона
18.00 «Детский спорт»

ТАННОЗ КУРКАХОН

МАСАЛ-ФЕЛЬЕТОН

Товуқлар ичиде танноз эркахон,
Ўзига зеб бериб юрар Куркахон.
Балогат ёшига етган шу кунда:
Комати келишган чиройли жуда.
Пардозу андозу, ўзгача нозлар,—
Атрофда парвона жўжахўрозлар.
Оламда бир менман дегандай танҳо
Ўзига берарди ортикча баҳо.
Унга беш кетгандан товуқбоқар ҳам
Зотин кўпайтирмақ бўларди ҳар дам.
Вакт келиб, Куркахон курк бўлди охир,
Патлари хурпайиб, иситмалар оғир.
Товуқбоқар тухум бостирмоқ бўлар,
Курка жўжа очини гўё ор билар:
—Йўқ, йўқ! Коматини бузмайман асло,
Жўжа очсам чиройин бўлади расво!..
Чипору Лигорлар қилар насихат:
«Фарзанд ширин!», «Фарзанд
кўрмоқлик зўр бахт!»
—Бўлмади!—деб Курка ёйиб патларин,
Чўкиб тухумларин синдириб барин.
Товуқбоқар чидай олмай бундай
қийноққа
Куркани сўйди-ю, босди паловга!
Масалнинг мағзини чаканлар билар,
Куркадай иш тутган сўнг афсус қилар!
Олим КЎЧҚОРБЕКОВ

КУЛГИЛИ ИБОРАЛАР

«Банкдан кредит олиб, мингта куённи ҳовлимизда боқаятгандим. Ҳаммаси ерни қовлаб, кириб кетди. Уларнинг ер тагидан қаяққа кетгани номаълум, қачон чиқаркин деб, пойлаб ўтирибман. Ё чиқмасмикан-а?»
(Хаваскор тadbиркор гапидан)
«Ховлимиз уч бурчакдан иборат эди. Отамиз ўлими олдидан уч бурчакни уч акамга бўлиб берганди, ўшанда ёш гўдак бўлганимдан мен бурчаксиз қолганман. Энди уй қурай десам, бурчак йўқ, нима қилай?»
(Кенжа ўғил Тўравой аризасидан)
«Маҳалламиз почталони Турғун амаки эллиқдан ошиб қолганлар. Оғир сумкани кўтариб юришга эриниб, хатлар ва газета-журналларни вақтида эгаларига етказиб беролмайдилар. У кишини сал илгари нафақага чиқаришининг иложи борми? Ёки яна икки йил тишини тишга қўйиб, сабр қилиб, чидайликмикан?»
(Шахар чеккасидаги обуначи мактубидан)
«Хозир нафақадан. Аммо, уйда зерикиб ўтириш жонга тегапти. Йиртилган пойабзалларни ямаб-яқаш қўлимдан келади. Мен ҳам кўча эшигин олдидан маҳмадон Усмон сартарошга ўхшаб, устaxonа очиб олсам, ҳеч ким кулмасмикан?»
(Фахрий ямоқчи Туроб отанинг маҳалла оқсоқолига ёзган илтимосномасидан)
«Фарзандимнинг асл номи Рўздат эди, туғилганлик гувоҳнома-масига ўсмаат деб ёзиб юборишган, бу хатони тўғрилашларини сўраб ариза берсам, янги гувоҳномада Дўсмаат деб ёзилибди. Яна шикоят қилгандим, энди ўғлингиз улғайиб, паспорт олишида тўғриларсиз дея айтишди. Буни қақалоққа қандай тушунтириш йўлини тополмаганман.
(Ёш она мактубидан)
«Ноб» ибораларни йиғувчи хандапаз
Одил КАРИМОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги Республика мусика коллежи 2007-2008 ўқув йили учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича кундузги бўлимга ўқувчилар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўзбек халқ чолғулари ва баян
—ўқитувчи, оркестр артисти, ҳаваскорлик жамоа раҳбари;
—най, қўшнай, чанг, қонун, рубоб-прима, қашқар рубоби, афгон рубоби, уд, дутор, танбур, дутор-бас, доира, фижжак, фижжак-альт, фижжак-бас, фижжак-контрабас, баян, аккордеон, классик гитара.
Анъанавий чолғу ижрочилиги
—ўқитувчи, созанда-мақомчи ҳаваскорлик жамоа раҳбари;
—най, қўшнай, чанг, қонун, қашқар рубоби, афгон рубоби, дутор, танбур, доира, фижжак, уд.
Анъанавий хонандлик
—хонанда, мақомчи, ҳаваскорлик жамоа раҳбари.
Фортепиано
—ўқитувчи, жўрнавоз, ансамбл артисти.
Торли чолғулар
—ўқитувчи, оркестр ва ансамбл артисти:

скрипка, альт, виолончель, контрабас.
Пуфлаб чалинадиган ва зарбли чолғулар
—ўқитувчи, оркестр артисти, ҳаваскорлик жамоа раҳбари;
(флейта, гобой, кларнет, саксофон, фагот, валторна, труба, тромбон, туба ва зарбли чолғулар).
Академик хонанда
—хор ва ансамбл артисти.
Хор-дирижёрлиги
—ҳаваскорлик хор раҳбари, ўқитувчи.
Муסיқашунослик ва композиция
—ўқитувчи, композитор, муסיқашунос.
Эстрада чолғулари ва хонандалиги
—ўқитувчи, оркестр ва ансамбл артисти, жўрнавоз, ҳаваскорлик жамоа раҳбари; (пуфлаб чалинадиган ва зарбли чолғулар, торли чолғулар, электрогитара; соло, бас, клавишли чолғулар), эстрада хонандаси
Муסיқий овоз операторлиги
—овоз режиссёри ассистенти, овоз техниги

Муסיқа коллежига 9-синф ва 5-7 йиллик муסיқа мактаби мальмуотига эга бўлган фуқаролар қабул қилинади.
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31 (консерваториянинг эски биноси).
Тел: 133-58-57, 133-17-26. Троллейбус: 17,18,9,4. «Болалар дунёси» бекати.

